



Кучли давлатдан - кучли жамият сари

Конун жамиятнинг ҳуқуқий таянчи, ифодали қилиб айтганда, уриб турган юрагидир. Жаҳон ҳуқуқшунослари қонунга садоқатни Ванган ва ўз халқига садоқат рамзи сифатида баҳолашади. Негаки, у халқ ва давлат манфаатларини ўзида акс эттиради.

# ҚОНУН ТЎЛИК ИШЛАШИ УЧУН...

— Акмал Эргашевич, биласиз, замон талабларига жавоб берадиган қонунларни қабул қилиш ўз йўли билан. Аммо унинг ижросини таъминлаш муносиб вазирадир. Очиги, мамлакатимиз раҳбарининг Конституцияимизнинг ўн йиллигига бағишланган маросимда жамоатчилик эътиборини яна бир бор ана шу масалага қаратгани ҳам бежиз эмас. Чунки бугунги кунда амалда бўлиши қонунларнинг ҳаётимизда ижроси бироз қийин кечмоқда. Сиз мутахассис сифатида айтиш мумкинми ҳуқуқий нимадир ден олмасиз?

— Биласизми, бу каби ҳолатлар энг ривожланган мамлакатларда ҳам учраб туради. Аммо, бу қонун талаблари тўла-тўқис бажарилаётганини табиий ҳол сифатида баҳолаш, керак деган маънони билдирмайди. Негаки, ишлаб-қилинган қонунлар қонун чиқарувчининг ҳам, ижро этувчининг ҳам обрўсига путур етказиши мумкин. Қолаверса, биз ҳуқуқий демократик, одил фуқаролик жамияти қурмоқчи эканми, бу манзилга етганидан йўл бита: у ҳам бўлса, қонунлар талаби ва амрини беистисно ҳамма билиши ва унга қатъий амал қилишидир. Бундан ўзга йўл бўлиши ҳам мумкин эмас. Биз амалда бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни билмасдан ва унга итот этмасдан туриб эзу мақсадимизга эришишимиз қийин кечди.

Шуни айтиш керакки, битта қонун лойиҳасини қабул қилиш ўша соҳадан бехабар кишига жуда оддий тувиши мумкин. Аслида эса ундай эмас. Масалан, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун узоқ баҳс ва мунозаралардан сўнг учинчи (!) ўқишда қабул қилинганлигини кўчилик айтиш билса керак. Ана шу биринчи лойиҳа ўз мазмунига етказилганга қадар уни тайёрловчилар озмулча меҳнат қилишгани. Тўғри, қонун

лар ижроси самарасини кўриш ва ундан баҳра олишдан ортиқроқ бахт борми бу дунёда.

— Демак, бундан чиқди қонунларнинг ишлари кўп жиҳатдан фуқаролар уларни яхши ўзлаштириши, ўз ҳаёти ва фаолиятида унга оғинмай амал қилишига боғлиқ экан-да.

— Худди шундай. Чунки ҳар биримиз ўз ҳуқуқларимиздан фойдаланиши ва мажбуриятларимизни бажариш ҳамда белгиланган тартибларга риоя қилиш орқали қонунлар ижросини таъ-

мақсадида қатор вилоятларда текширув ўтказилди. Натигада Қашқадарёда 829,6, Самарқандда 238,5, Сирдарёда 200,8 ва Хоразмда 62,7 гектар ер майдонини қонуний эгаларига қайтариб берилди. Хўш, бунинг жабрини ким тортди? Албатта, оддий халқ. Ҳамонки аҳвол шундай экан, бу учун дейлик, бугунги давлат солиқ идораси ходими нафақат таққовчи, балки тавсия берувчи йўриқномаларни, нафақат ўз ҳуқуқини, балки мажбуриятларини ҳам, тадбиркору истеъмолчиларнинг

лардан тийиб туришга мажбур бўлади. Чунки, ёнида кучли назоратчи бор-да. Шунинг учун ҳам қонунлар ижросини таъминлашда алоҳида фуқароларга нисбатан жамоатчилик назоратини қучайтириш катта аҳамиятга эга.

Фараз қилайлик, кундалик ҳаётимизда баъзан учраб турадиган воқеалар, масалан, сифатсиз товарлар ёки санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган маҳсулотларнинг сотилишига гувоҳ бўламиз ва кези келганда индамасдан ўтамиз. Ваҳоланки, бу ерда қонунларни ижро этиш талаблари бузилаётгани, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун бажарилмаётгани бўлади. Шу каби ҳолатларга нафақат фуқаролар, балки бошқа жамоат бирлашмалари ҳам ўз муносабатларини билдирсалар, ўз навбатида қонунни писанд қилмаётган фуқаролар ёки мансабдор шахслар, ҳатто давлат органлари ҳам анча хушёр тортиши шубҳасиз.

Бу ўринда фуқаролик жамиятининг муҳим институти саналган маҳалланинг аҳамияти ҳам муҳим ўрин тутди. Нега? Чунки айнан маҳаллалар орқали мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг самарасини ошириш, қонун ва қарорлар ижросини таъминлашда унинг жамоатчилик назоратига кенг таянишимиз мумкин бўлади. Масалан, ҳозир мамлакатимизда ўн бир мингдан зиёд катта ва кичик маҳаллалар мавжудлигини ҳисобга олсак, уларнинг жамоатчилик назорати орқали ҳар бир маҳаллада бир кунда камид битта ҳуқуқбузарликнинг олди олинса, ўша кун республика бўйича шунча жиноятчиликнинг олди олинган ва қонунда қўзда тутилган ижро таъминланган бўлади.

Лекин мамлакатимиздаги жамоат ташкилотлари аксариятининг фаолияти суст экан, бу билан мурокаб қилиб яшашдан бошқа илож йўқ, деган маънони англамайди. Қалтакнинг муқом иккинчи томони бўлганидек, ҳар қандай ҳолатнинг ҳам аке ҳолати мавжуддир. Бугун мамлакатимизда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ва нодавлат ташкилотларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналиши — ҳаётимизни янада эркинлаштириш вазираси сифатида қаралаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Харакатда, албатта, натижа бўлади. Қолаверса, давлатимиз ўз қонунлар мажмуасига эга. Уларда бизнинг ҳуқуқ ва бурчларимиз баён қилинган. Модомики, шу давлатга, шу жамиятга эъзо эканми, мана шу ҳаёт бағрида ҳар биримиз қонун олдида жавоб беришга бурчдоримиз.

**Сўхбатдош:**  
**Фуркат САНАЕВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тиббиёт — янги босқичлар олдида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юқоридаги ихтисослашган тиббий марказлар бум-бўш жойда пайдо бўлаётгани йўқ. Республикаимиз бу борада катта имкониятларга эга. Аввало, Ўзбекистон тиббиётида урология, хирургия, кўз микрохирургияси, кардиология бўйича алоҳида илмий мактаблар вужудга келган. Уларнинг ютуқлари хорижий давлатларнинг нуфузли тиббий мутахассислари томонидан ҳам тан олинмоқда. Қолаверса, юқорида айтганимиздай, ушбу марказларга негиз бўлган тиббиёт муассасалари фаолияти сўнгги йилларда энг замонавий тиббий техника ва технологиялар билан тобора такомиллаштириб борилмоқда.

Президентимиз Фармони республикаимизда ихтисослашган тиббий марказларни вужудга келтиришга асос бўлибгина қолмай, шу билан бирга, уларнинг моддий-техника негизи янада мустақамлаштириб, жаҳон андозалари даражасида бўлишига йўл очди.

Фармонда ихтисослашган тиббий марказларнинг дадил равнақ топиши учун давлатимиз томонидан ва бошқа манбалар эвазига катта молиявий ва моддий ёрдам кўрсатилиши ҳам белгиланган. Шу билан бирга, ушбу марказлар 10 йил муддатга барча турдаги солиқлар, божхона тўловларидан ҳам озод қилинади. Бўшаган маблағлар эса марказларни ривожлантиришга мақсадли сарфланади.

Республика ихтисослашган тиббий марказлари узоғи билан 2008 йилда ўзини ўзи молиялаш ва ўзини ўзи қоплашга ўтиши мумкин. Табиийки, бундай шароитда аҳоли-

га пулли хизмат кўрсатиш Марказлар фаолиятининг асосига айланади. Шу билан бирга, Фармонда айтилганидек, ушбу Марказларда малака муҳож бўлган шахсларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади. Болалиқдан биринчи ва иккинчи гуруҳга мансуб ногиронлар, ота-онасииз етимлар, уруш ва меҳнат фаришлари, ишламайдиган пенсионерлар, Чернобил АЭСи ҳалокатини бартараф этишда қатнашганлар, байналмилал-жангчилар, энг кам таъминланган оилаларнинг аъзолари ана шундай имтиёзли тоифаларга кирди.

Ислохотлар — Инсон ва унинг манфатлари учун. Мустақил Ватанимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиланишларнинг туб моҳиятида ана шундай қараш ва мақсад турди. «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Президентимиз имзолаган наваб-даги Фармон ва унинг асосида бундан кейин мамлакатда амалга оширилиши белгиланган тадбирларнинг мағзида ҳам шундай инсонпарварлик мақсадлари нурланди турирди. Шу боисдан ҳам ушбу Фармонни мамлакатимиз кенг жамоатчилиги катта мамнуният билан қутиб олди.

Жаҳон тиббиётининг устозларидан бири Абу Али ибн Сино — бизнинг ватандошимиз. Ўтмишда она заминимиз дунёга ана шундай буюк ҳакимни берган экан, бу замин бундан кейин ҳам табобатнинг олтин бешикларидан бўлиб қолишга ҳақидир. Мустақиллигимиз бундай дадил озуғларга катта йўл очди. Биз шу йўлдан боришимиз, деб айтишга асослар бор.

Михил САФАРОВ.



Оққўрғон туманидаги Оқунбобоев номи ширкат хўжалигида мавжуд экиш ва гўза қатор ораларига ишлов берадиган техника воситалари сифатли соғлаб қўйилди. — Вазирак Маҳмаднинг 2002 йил якунига бағишланган йилгишида шу йил 15 мартга қишлоқ хўжалиги техникасини тўлиқ тағмирлаш вазираси белгилаб берилганди, — дейди бошқарув раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Раҳимжон Ҳакимжонов. — Биз эса бу ишнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, унга ўтаан йилнинг қувидаёқ киришгандик. Натигада барча техника воситалари барвақт қўздан чиқарилиди. СУРАТДА: сўзловчи Шокир Арслонов ва муҳандис Зокир Қодиров сеяканинг соғлигини яна бир қарра қўздан кечиряшляпти.

Пардобой ЭРГАШЕВ олган сурат.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданқ миллилатимиз маънавиятини юксалтириш, топталган қадриятлар ва урф-одатларимизни қайта тиклашга катта эътибор қаратилди. Утган ўн бир йил мобайнида бу борада жуда катта ишлар амалга оширилди. Янги-янги маданият саройлари, кутубхоналар, санъат урканлари, мактаб ва музейлар қуриди.

## МАДАНИЯТ СОҲАСИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Бугун Тошкент вилоятида 170 клуб, беш юздан зиёд оммавий кутубхона, қирққа яқин бола-лар муқса ва санъат мактаби, тўртта ўлкашунослик музейи, учта маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Мазкур муассасаларни билимли кадрлар билан таъминлаш, кутубхоналар фондларини бойитиш, хизмат даражасини ошириш, уларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш бора-сида сўнгги йилларда бир қанча ишлар амалга оширилди.

Бироқ, ижтимоий соҳа ривожига барча туманларда бирдек эмас. Кўпбал маданият муассасалар капитал таъмирга муҳтож. Маънавий-маърифий таъбирлар ўтказилаётган бўлса-да, уларнинг аксариятида расмийлик устун, янгича ёндашув, ҳаётийлик ва жўшқинлик етишмайди. Маънавий камолот учоғи бўлган ку-

тубхоналар фондларини замонавий асарлар билан бойитиш эътибордан четда қолмоқда. Соҳада иш-лаётган мутахассис кадрлар малакаси, билим даражасини ошириш бора-сидаги ишлар кўнгилда-гидек эмас.

Амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларга халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши сессиясида шундай баҳо берилди. Вилоят ҳокими У.Мирзақулов бошқарган сессияда ўтган йили вилоятда қишлоқ хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил этилди. Сессияда, шунингдек, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ислохотларни янада жадаллаштириш бора-сида галдаги вазибалар белгилаб олинди.

Л. СУВОНОВ,  
ЎЗА мухбири.

## Ўзбекистон «Қизил китоби»

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасида «Ўзбекистон Қизил китоби» иккинчи жилдининг ва Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш миллий дастурининг тақдими ўтказилди. Дастурда республикамизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, атроф-муҳит билан боғлиқ асосий муаммолар ва экологик иқтисодий сиёсатнинг натижалари кўрсатилган.

Мамлакатимиз табиатининг биологик хилма-хиллиги миллий бойлигимизнинг ажралмас қисминдир. Бу бойлик бир неча минг йилликлар давомида юзга келган. У аждодаларимиз томонидан бизга қолдирилган улкан меросдир. Зимманмизга бу меросни авлодларга хилма-хил ва барқарор тизим кўринишида қолдиришдек улкан ва масъуляти вазифа юклатилган. Шу боис ўлкаимизда йўқ бўлиб кетиш хавфи бўлган ҳайвонот турларини сақлаб қолиш учун «Ўзбекистон Қизил китоби»нинг иккинчи-жилди нашрдан чиқарилиди. Китобга киритилган маълумотлар мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг қатор илмий муассасаларида, жамоат экологик ташкилотларида кенг муҳофиза қилинган.

М.ЮСУПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Бозори ободнинг юрти обод, деган нақл бежиз айтилмаган. Кейинги йилларда мамлакатимизда бозорлар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилгани туфайли нафақат йирик шаҳарлар, балки туман ва қишлоқларимиздаги бозорлар кўриниши тубдан ўзгарди.

Буларнинг бarchasi халқимизга яхши ва сифатли хизмат кўрсатиши мақсадида амалга ошириляптир. Лекин бозорларимиздаги аҳвол, савдо маданияти бугунги кун талабига жавоб бераётганими?

## САВДОДА БАРАКА — ҲАЛОМЛИКДА

— Харидорларни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ва бозорларда пул маблағларининг банк муассасалари орқали қонуний айланиши борасида талаб камчиликлар мавжуд, — деди Бош прокуратура умумий назорат бошқармаси катта прокурори Шерзод ЗУЛФИЕВ ўза мухбирига. — Жойлардаги айрим ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар томонидан мажбурий йўналишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйилиб, бу борада юклатилган вазибалар лозим даражада бажарилмасдан қоляпти.

Бугунги кунда айрим хорижий давлатларда ишлаб чиқариладиган сифатли пласт, инсон саломатлигига хавф туғдирувчи маҳсулотлар билан савдо қилинишига умуман йўл қўймайлик учун қатъий чора-тадбирлар амалга оширилядиганига қарамай, бозорларимизда шу каби ҳолатлар ҳали барҳам берилганича йўқ. Қашқадарё вилояти марказидаги «Шоҳбекат» улгуржи бозорида фуқаро Н.Қандиёв ва унинг шериклари Қозғистонда ишлаб чиқарилган ярим миллион сўмликка яқин акция марказисиз «Пшеничная» ароғини сотаётган вақтда қўлга олинди. Ачинарлиси шундаки, бундай маҳсулотлар сифатли текширилганда, уларда инсон организмга кучли салбий таъсир кўрсатувчи

этириш мумкин. Нақд пул маблағлари, асосан, бозорларда айланади. Бозорларда эса уни кимлардир узлуксиз «туя» қилиш билан овора.

Бозорлар фаолиятини тартибга солувчи маъсуд раҳбарлар ўз вазибаларини ҳалол бажармаётганлиги боис бундай салбий ҳолатларга йўл қўйляптир. Айнан уларнинг маъсудият-сизлиги оқибатида бугунги кунда тарози-тошларнинг кўпчилиги қисми давлат стўндарти кўригидан ўтказилмаган. Шу билан бирга, сифат сертификатига эга бўлмаган маҳсулотларнинг сотилиши ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Бозорлар маъмурияти томонидан тозалик ва санитария аҳволига ҳам

етарли даражада эътибор берилмапти.

Бундай қонун бузилиш ҳолатлари республикамизнинг деярли барча вилоятларидаги бозорларда мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда. Прокуратура органлари томонидан ушбу йўналишда ўтказилган текшириш натижаларига қўра аниқланган қонунбузилишлар ва уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида тегишли идораларга уч юздан зиёд тақдимнома киритилди. Айбдорлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилиб, тўрт миллион сўмлик зарар ундирилди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, бозорларимизда фақат сифатли маҳсулот сотилиши, яхши хизмат кўрсатилиши, инқасас тартибда фаолият юритиш бугунги кун талабидир. Фаолиятини ана шу талабга мослашни истамайдиганларни қонун кечирмайди.

Норгул АБДУРАИМОВА.

Лукма

# Қайси замонда яшайсиз?

«Гулистон» ҳўжалиги Косон тумани марказидан унча узоқ эмас. Ораси нари борса, 5-6 километр келар-ов. Ҳўжалик идораси ҳам шундоқгина катта йўл бўйида жойлашган.

Илорадан 20-30 метр нарида баҳайбат ҳайкал бор. У совет аскарининг, ҳа, ҳа бир эмас, икки совет аскарининг ҳайкали. Бирини бошига беш қирра юлдуз тақдирланган бостириб қийиб, қўлидаги автоматни маҳкам ушлаганча олдинга интилмоқда. Иккинчиси эса ўққа учганча, шерининг оёғи ёнига йиқилиб тушган. Ҳўжаликнинг икки томонида «Уроқ ва болға»нинг тасвири.

дончада каттақон беш қиррали юлдуз ястаниб ётибди. Бир маҳаллар унинг ўртасидаги тешикдан «мангу олов» отилиб турган. Илгарилари ўчоққа таппи ёқиб, тутунданми, алмаданми кўзлари ёшланиб, юраклари зардобга тўлган қишлоқ аёллари «зангори олов»ни фақат шу ерда кўрганлар. Шунда ҳам «қани шундай олов бизнинг уйда ҳам бўлса» деган гапни овоз чиқариб айтолмаганлар, қўрққанлар.

Ҳайкалнинг чап томонида улкан мрамар тахта бор. Ундаги «Улуғ Ватан уруши йилларида социалистик Ватанимизнинг мустақиллиги учун қаҳрамонларча ҳалок бўлган қишлоқдошларимизга абдий шон-шарафлар бўлсин» деган ёзуви ўқиб, ажабланишингиз табиий. Ҳар йили бир марта ҳеч бўлмаса 9 май — Хотира ва қадрлаш кунинда бу ерга қадим ранжида қиладиган казо-казоларнинг ана шу ёзувга кўзлари тушмаганлар-

рига, энди социалистик ватан қолди, деб ўйлаб кўрмаганларига ҳайрон қоласиз. Худога шукр, мустақилликка эришганимизга ҳадемай 12 йил бўлади. Энди ўзимизнинг киндик қонимиз тўқилган она еримизга ўзимиз эгамиз. Энди ўзбекистон аталмиш мустақил Ватанимиз бор. «Гулистон» ҳўжалиги, Косон тумани раҳбарлари наҳотки шунинг фаҳмига бормасалар? Ҳўш, бу олдийгина эътиборсизлик, олдийгина

тушунмовчиликми? Ё бунинг замирида бошқа нарса борми? Аммо шуниси аниқки, бу қишлоқ одамларининг кўнглига оғир ботмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги «Тўқбой» ҳўжалигининг раиси Лениннинг ҳайкалини «пока туриб турсин, яхши одам эди» деб асраб юрса, шунини билди туриб, раисини туман ҳокими паноҳида сақласа, Косон туманидаги «Гулистон» ҳўжалиги раҳбарларига ҳеч қим, ҳатто туман ҳокими ҳам «сизлар қайси замонда яшайсизлар?» деган саволни бермаса, галапти-я. Шунча нарсаларни кўриб, кулишингни ҳам, куйшингни ҳам билмайсан киши.

Нарзулла РАВШАНОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

## Мамлакатимизда қузуқуш камма

Бельгиянинг Эно вилоятида ўзбекистон Республикасига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда вилоят жамоатчилиги, сиёсий доиралар вакиллари, мамлакатимизнинг Брюсселдаги элчихонаси ходимлари ҳамда Бельгия университетлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш мақсадида келган ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги делегацияси аъзолари иштирок этди.

Вилоят губернатори Мишель Тромон бу каби тадбирлар ўзбекистон Республикаси ҳамда Бельгия қироллиги ўртасида ўзаро манфаатли ва тенгликка асосланган ҳамкорликнинг мустақамланишига, шунингдек Эно вилояти билан маданий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ўрнатилишига асос бўлажани таъкидлади.

Ўзбекистон делегацияси вакиллари тадбир қатнашчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, иқтисодий ислохотлар жараёни, умуминсоний қадриятлар асосида барпо этилаётган фуқаролик жамияти хусусида сўзлаб бердилар.

Кўргазма давомида бўлиб ўтган дўстона сўҳбат чоғида мамлакатимиз билан Эно вилояти ўртасида савдо, маданият, таълим ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари порлоқ экани таъкидланди. Эно вилояти Франциянинг машҳур Версаль саройини безашда кенг қўлланилган қора мрамар ишлаб чиқаришда етакчи ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда турли хил мрамар конларининг мавжудлиги ушбу соҳадаги ҳамкорлик истиқболли эканини кўрсатади.


Эноликларнинг мамлакатимизга бўлган катта қизиқиши маҳаллий «Гулдер» сайёҳлик агентлиги томонидан жорий йилнинг апрель ойида Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига иккита сайёҳлар гуруҳининг юборилганлигида ҳам намоён бўлади.

«Жаҳон» АА.

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Хотира мажмуаси

2001 йилнинг 11 сентябрида Пентагон биносига урилган самолётда ҳалок бўлган 184 нафар кишининг хотирасига атаб 184 та «Энгил ўриндиқлар» — хотира мажмуаси ўрнатилади. Бу ҳақда АҚШ Мудофаа вазирлигининг вакили маълум қилди. Мажмуа 1126 та лойиҳа ичидан танлаб



олинди. Ҳар бирига йўловчилар исм-фамилиялари битилган ўриндиқлар Пентагон биносининг гарбий томонида ўрнатилади.

### Элчи чақириб олинади

Ливиянинг олий ижроа ва қонунчилик органи — Халқ Конгресси Саудия Арабистонидан ўз элчисини чақириб олишини маълум қилди.

«Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, бундан буён икки давлат ўртасидаги муносабатлар сусайиш эҳтимоли бор. Бунга яқинда бўлиб ўтган Араб давлатлари саммитида Ливия етакчиси Муаммар Қаззофи ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳд шаҳзодаси Абдуллоҳ ўртасидаги ўзаро айтишувлар сабаб бўлди.

### «Ҳақуқий мўъжиза»

Америка полицияси ва шифокорлари Массачусетс штатида «Piper Cherokee» хусусий самолёти кулаш пайтида уч нафар боланинг тирик қолганини «ҳақуқий мўъжиза» деб баҳолашмоқда. Лекин авиафожа натижасида самолёт ичида бўлган уларнинг онаси ва икки бола ҳаётдан кўз юмган.

Самолётни бошқариётган оила болиғи ҳам ҳалокатдан сўнг бир оз вақт ўтгач оламдан ўтган. «Рейтер» агентлигининг маълум қилишича, 2,5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар 18 даража совуқда бир кеча-кундуз қолиб кетган.



«Рейтер» агентлигининг маълум қилишича, 2,5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар 18 даража совуқда бир кеча-кундуз қолиб кетган.

### Давлат хавфсизлиги учун

2003 йилда дунё мамлакатлари ўз хавфсизликлари учун 550 миллиард долларга яқин маблағ ажратади. 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 572 миллиардга етиши мумкин. Американинг «Equity International» компаниясининг тадқиқотларида аян шундай маълумот келтирилган.

«Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, компаниянинг бўлимларидан бири — «Center for Homeland & Global Security» АҚШ давлати ўз хавфсизлиги учун шу йили 55,6 миллиард, 2005 йилда эса 56,8 миллиард доллар сарф қилишни маълум қилган.

### Очқич тўфайли

Канада пойтахти Оттава шаҳри халқаро аэропортидан учувчи рейслар бир неча соатга ушланиб қолди. Бунга йўловчилардан бирининг кутиб турган барча йўловчилар қайта текширувдан ўтказилган.



«ИТАР-ТАСС» муҳбирининг хабарига кўра, дастлаб йўловчи учушдан олдинги текширувдан ўтган. Аммо кейинчалик, мамлакат Транспорт вазирлиги вакили штопор хавфсизлик қоидаларига зид, деб ҳисоблаб, йўловчини излаб топилмаганлиги сабабли учини кутиб ўтирган барча йўловчилар қайта текширувдан ўтказилган.

### Сугурта пули олмақчи экан

Голландиялик 23 ёшли аёл Австриянинг Эрпфендорф шаҳрига келиб полицияга қимматбаҳо спорт кийимини ўғирлашди, деб ёлғондан хабар берган. У шу йўл билан сугурта пули олмақчи бўлган. Энг қизиғи шундаки, аёл полиция бўлимига шу кийимда кириб келган. Полициячилар унга бу ҳақда айтишганда, аёл айбини бўйинига олган ва сугурта пули олиб университетда ўқиш учун тўламоқчи бўлганини айтган. «Лента ру» нинг маълум қилишича, энди бу иш билан шаҳар прокуратураси шугулланади.

### Ўзбекистонга паспорт — ДАК

тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилган болалар, катталар спорт кийимлари ва анжомлари КЎРГАЗМАСИНИ УТКАЗАДИ.



Ҳамкорлик қилиш ва кўргазмада иштирок этиш истагида бўлган фирма ва ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар шу йилнинг 8 мартгача «Ўзбекистонга паспорт» ДАКнинг техника тараққиёти ва сифат бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзил: Тошкент ш., Бобур к., 45-уй.  
Тел.: 53-56-22, 53-46-32, 115-22-93, 115-22-95.

# Гуруҳлар рейтинг: МАВҚЕ ВА ОБРЎ

Иқтисодий тиричилик ривожланишида чет эл инвестицияларини юртимизга олиб кириш ва аҳоли бўш маблағларини банкларга жалб қилиш мумкин ўрин тутди. Ана шу мақсадда бундан 6 йил муқаддам ўзбекистон Банклар уюшмаси томонидан ташкил этилган «Ахбор-рейтинг» банкларига компанияси ҳар чорада инвесторлар ва бозор иқтисодиётининг барча қатламлари учун республикадаги банклар фаолияти тўғрисида аниқ маълумотларни бериб келимиз. Ёни компания томонидан тижорат банкларининг рейтинг тадбирлари ўтказилиб, ушбу натижалар барча оммавий ахборот воситаларида, радио ва телевидениеда мунтазам равишда эълон қилиб борилапти.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, сўнгги рейтинг тадбиримизда юртимизда фаолият кўрсатаётган 35 та тижорат банкдан 26 таси қатнашди. Тадбирни биз асосан банкларни учта гуруҳга бўлган ҳолда ўтказамиз. Бу йирик, ўрта ва кичик банклар гуруҳларидир.

Гуруҳлаган ўрин	Банк	Мулқ рейтинг	Гуруҳлаган рейтинг
Ийрик банклар			
1	ТИФ Миллий банки	98,68	92,80
2	«Асака» банки	98,37	87,59
3	«Пахта-банк»	91,10	56,99
4	«Ўзсаноатқурилишбанк»	81,78	38,59
5	«Ўзуйғайжамгармабанк»	80,86	36,37
6	«АБН АМРО Банк»	78,31	-
7	«Галлабанк»	68,80	6,19
8	Халқ банки	66,29	9,10
Гуруҳлаган рейтинг балларининг ўртача ўсиши 6,40			
Ўрта банклар			
1	«Ўзбек-Туркия» банки	68,76	91,48
2	«Авиабанк»	56,23	64,47
3	«Хамкорбанк»	51,81	36,86
4	«Бизнес банк»	44,64	38,97
5	«Алоқабанк»	43,33	58,44
6	«Савдогарбанк»	43,17	43,33
7	«Туронбанк»	43,08	7,89
8	«Ўзтадбиркорбанк»	42,37	33,57
9	«Трастбанк»	41,19	32,87
10	«Ипак Йўли» банки	40,10	7,96
11	«Заминбанк»	27,89	4,98
12	«Парвинабанк»	23,30	*
Гуруҳлаган рейтинг балларининг ўртача ўсиши 26,09			
Кичик банклар			
1	«Алп Жамол Банк»	33,33	75,99
2	«Универсал Банк»	24,62	-
3	«Карвонбанк»	16,56	77,50
4	«Капитал Банк»	11,49	-
5	«Истиқболбанк»	9,63	8,66
6	«Туркистон» банки	0,87	6,24
Гуруҳлаган рейтинг балларининг ўртача ўсиши 11,91			

Йирик банклар гуруҳи орасида «Пахтабанк», «Галлабанк», Халқ банки ўз рейтинг балларини жадвалроқ ошириб борапти. Рейтингининг янги иштирокиси бўлиши «АБН АМРО Банк» биз кутгандан ҳам аъло даражада қатнашиб, юқори ўринлардан бирини эгаллади.

Ўрта банклар гуруҳида жуда кучли рақобат муҳити вужудга келганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтишимиз жоиз. Ушбу гуруҳда «Ўзбек-Туркия» банки жуда катта муваффақиятларга эришди. Бундан

ташқари «Туронбанк», «Хамкорбанк» ва «Ипак Йўли» банки жуда тез ривожланиб борапти.

Кичик банклар гуруҳида «Алп Жамол Банк» устун келяпти, ҳаттоки яқиний рейтинг натижаларига кўра, у ўрта банклар гуруҳидаги баъзи бир банклардан ҳам ўзиб кетганлигини кузатишимиз мумкин. Иккита янги қатнашчимиз бўлиши «Универсал» ва «Капитал» банклари ҳам жуда яхши натижаларга эришдилар.

Умумлашган кўрсаткичлар	Ўрни	Йирик банклар (ТИФ МБ сиз)	Ўрта банклар	Кичик банклар
Молиявий фаолиятнинг кўлами	1	«Асака» банки	«Савдогарбанк»	«Алп Жамол Банк»
	2	«Пахта-банк»	«Ўзтадбиркорбанк»	«Карвонбанк»
	3	«Ўзсаноатқурилишбанк»	«Бизнес банк»	«Универсал Банк»
Капиталнинг етарлиги	1	«Асака» банки	«ЎТ-банк»	«Истиқболбанк»
	2	«АБН АМРО Банк»	«Авиабанк»	«Универсал Банк»
	3	«Галлабанк»	«Трастбанк»	«Алп Жамол Банк»
Ликвидлиги	1	Халқ банки	«ЎТ-банк»	«Универсал Банк»
	2	«Пахта-банк»	«Савдогарбанк»	«Туркистон» банки
	3	«Ўзуйғайжамгармабанк»	«Парвинабанк»	«Истиқболбанк»
Фойдаланиш даражаси	1	«Пахта-банк»	«Бизнес банк»	«Алп Жамол Банк»
	2	«Ўзуйғайжамгармабанк»	«Авиабанк»	«Капитал Банк»
	3	«АБН АМРО Банк»	«Хамкорбанк»	«Универсал Банк»

2002 йил якунидаги кўра, 2001 йилга нисбатан рейтингда қатнашган банкларнинг активлари — 31% га, умумий капиталлари — 44%, кредит қуйилмалари — 28%, корхоналарга ссузалар — 42% ва депозитлар — 85% га ортганлигини кузатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, республикамиз тижорат банклари, умуман, банк тизими йилдан-йилга жадвал суръатлар билан ривожланимоқда, улар ўртасида ҳақиқий рақобат муҳити вужудга келди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг ўз мижозларига хизмат кўрсатиш даражаси

ошиб борапти, уларга янада кўп янги хизмат турлари кўрсатилиши тақлиф қилинапти. Бу ҳолатни рейтингда қатнашиб, ўз ахборот эркинликларини намоён қиладиган банкларимиз мисолида кўришимиз мумкин. Биз ушбу рейтингда қатнашмаган яна 9 та тижорат банкини тадбирда қатнашишга чорлаймиз ва бу орқали уларнинг мижозлари, мамлакатимиз банк тизими олдига ўз мавқеи ва обрў-эътиборини оширишларига тилакдошимиз.

МРК «Ахбор-рейтинг» ахборот хизмати.

## ЎЗБЕКИСТОН ОЧИК ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — КЎМАК ЖАМГАРМАСИНИНГ ГЕНДЕР ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

### ГРАНТ АРИЗАЛАРИ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон очик жамият институти — кўмак жамгармасининг гендер дастури «Винрок Интернейшнл»нинг интеграциялашган аёллар ҳуқуқий саводхонлиги лойиҳаси билан ҳамкорликдаги лойиҳаси доирасида Ўзбекистондаги инкироз марказлари ва ишонч марказлари учун «Грант аризалари танлови»ни эълон қилади. Маъруза танлов инкироз ҳолатига тушиб қолган аёллар ва ёшларга ҳуқуқий, психологик ва бошқа ёрдам турларини кўрсатаётган Ўзбекистондаги инкироз марказлари ва ишонч марказларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Грантлар куйидаги фаолиятларни қўллаб-қувватлаш учун ажратилиши мумкин (куйда келтирилганлар билан чекланиб қолинмайди):

- маърифий дастурлар (тренинглар модулларини ишлаб чиқиш, гендер тенглиги, оиладаги зўравонлик, аёллар ва болалар ҳуқуқлари буйича семинар ва тренинглар ўтказиш, масалан, репродуктив ҳуқуқ, жамоат ишларида ва сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи, иқтисодий ҳуқуқ ва ҳоказолар);
- инфорацион дастурлар (биоленлар, инфорацион варақалар, эслатмалар, буклетлар, брошюралар, плакатлар, календарлар, видеоматериаллар, тематик телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, мақолалар ва ҳоказолар тайёрлаш);
- аёллар, эркеклар ва болалар ҳуқуқларига риоя қилинаётганлиги борасида тадқиқотлар ташкил этиш;
- инкироз ҳолатига тушиб қолган аёллар, эркеклар ва болаларга ҳуқуқий, психологик реабилитацион ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, келиб ва ишонч телефонлари орқали маслаҳатлар бериш, давлат ташкилотлари ва муассасаларида, суд ва ўзини ўзи бошқариш органларида, ижтимоий ҳимоя муассасаларида ва онлада;
- давлат тизимидagi ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла фуқарolari йигини, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари (Advocacy) билан ҳамкорликда (учрашувлар, семинарлар, юмалок столлар, конференциялар, мажлислар, съездлар, аёллар ҳуқуқлари буйича кампаниялар ва медиа-кампаниялар ва ҳоказолар) кампаниялар ўтказиш.

**Иштирокчилар**  
Танловда бир йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистондаги нотижорат нодавлат инкироз марказлари ва ишонч марказлари иштирок этиши мумкин.

**Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Грант аризаси намунага риоя қилинган ҳолда тўлдирилиб, унинг титул варагига ариза берилган сана, ариза бераётган ташкилотнинг муҳри ва раҳбарининг имзоси бўлиши лозим.
2. Ташкилотнинг низоми ва рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси.
3. Лойиҳанинг барча бажарувчилари резюмелари/таржимаи ҳоллари ва паспортлари нусхалари.
4. Ўзбекистон очик жамият институти — кўмак жамгармаси ёрдамида бажарилган ёки бажарилаётган лойиҳалар (грант ажратган дастурни кўрсатиш керак) ҳақида маълумот.
5. Камида бир йил давомида юқорида кўрсатилган муаммолар буйича фаолият кўрсатаётган ташкилот ҳақида маълумот (буклетлар, брошюралар, памфлетлар).

**Грант аризалари 2003 йил 27 мартгача қабул қилинади.**

Барча саволлар буйича Ўзбекистон очик жамият институти — кўмак жамгармасининг гендер дастури мувофиқлаштирувчиси ассистенти — Феруза Ашматовга мурожаат қилиш лозим. Телефонлар: 120-54-08/09/10/11/12/13, э-почта: feruza@osi.uz. Манзил: 700031, Тошкент шаҳри, «Зарбоғ» кўчаси, 31-уй.

## «USUB» ОАЖнинг акциядорлари диққатига!

«USUB» ОАЖнинг 2002 йилдаги фаолияти якунлари буйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2003 йил 4 апрель соат 16.00да куйидаги манзилда бўлишини маълум қиламиз:

Тошкент шаҳри, Абзалов кўчаси, 7-уй (жамият биноси), мажлислар зали.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 5 март ҳолати буйича тузилади.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «USUB» ОАЖнинг 2002 йилдаги молия-ҳўжалик фаолияти якунлари юзасидан бош директорнинг ҳисоботи.
2. «USUB» ОАЖнинг 2002 йилдаги ҳисоботи, бухгалтерия баланслари, фойда ва зарарлари ҳисоб варағининг муҳокамаси ва тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳамда аудитор хулосасини тасдиқлаш.
4. «USUB» ОАЖнинг ҳар бир акция учун тўлашга тавсия этилган дивиденд миқдорини тасдиқлаш.
5. Орқичка бўлин ва тузилмаларга барҳам бериш мақсадида «USUB» ОАЖнинг «АБВ» шўба ва «Водий» кичик корхоналари негизда ягона корхона барпо этиш.
6. Қузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
7. «USUB» ОАЖнинг 2003 йилги аудиториини тасдиқлаш.
8. «USUB» ОАЖнинг 2003 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш.
9. Бош директор билан меҳнат шартномасини 2003 йилга узайтириш тўғрисида.
10. Бошқа масалалар.

Акциядорлар 2003 йил 4 апрель кунин соат 15.00дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олиндилар.

Акциядорлар шахси тасдиқловчи ҳужжатлар: жисмоний шахс — паспорт, юридик шахс — ишонч қоғози олиб келишлари лозим.

Акциядорлар умумий мажлисининг материаллари билан Тошкент шаҳри, Абзалов кўчаси, 7-уй, 25-хонада танишиш мумкин.

Боғланиш телефонлари: 144-80-07, 144-80-02.

«USUB» ОАЖнинг қузатув кенгаши.

Қадрлаш тайёрлаш миллий дастури - амалда

Навоий вилоятида ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимларига талаб катта. Бирок ўтган йилгача атиги битта тиббиёт билим юрти шундай мутахассислар тайёрлар эди.



«Фикрловчи ҳамширалар керак...»

Унеча билим юртидаги аҳвол ҳақида гапиришга ийманасан, киши. Замонавий асбоб-ускуналар у ёқда турсин, ҳунар даргоҳининг ўзи 5-6 хонадан иборат эски иморатда, ижарада турарди.

бошлаб юборилди. Яқин орада барчаси талабалар ихтиёрига топширилади. Илгари атиги иккита йўналиш бўйича кадрлар тайёрланган бўлса, ҳозир улар сони бештага етган.

кам уйғунлик шаклланиши шарт. Беморнинг тақдирини кўпроқ ҳамширанинг билими, хатти-ҳаракати га боғлиқ. У назарий ва амалий амалиётларни пухта ўзлаштириган, руҳи соғлом, истаъдодини, ширин тили, меҳрли табассумини ўзида муҳасамалаштирган бўлиши шарт.

Биз коллеждаги яна бир муҳим жиҳатни илғаб олдик. Илмгоҳ ўзини-ўзи маблағ билан таъминлар экан. Талабаларнинг ижтимоий муҳофазаланганлигини айтишмайми? Кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул оқлатилиши ташкил этилганлиги яна бир жонқуярлик намунаси.



Қутгандан ҳам ортиқ...

«Мустақиллик кубоги» халқаро турнирининг иккинчи кунинда мутахассисларнинг таҳминлари тўғри чиқа бошлади. Тажриба борасида анча устунликка эга бўлган АҚШ, Россия ва Юртимиз полвонлари бирин-кетин рақибларини енгишиб, чемпионликка асосий даъвогар эканликларини исботлашга тушишди.

Юртимиз полвонлари орасида дастлабки совриндорлар (юнор-рум кураши бўйича) 120 кг.ги Дилшод Жўраев (кумуш) ва Рудольф Киблер (бронза) бўлишди. Бу вазн тоифасида россиялик Ҳасан Бароев рақибларидан устун эканлигини намойиш этди.

Милициянинг тезкор хабари

Ўғри ушланди

Ҳамза туманидаги Жарқўрғон кўчасида жойлашган 156-мактаб кутубхонасидан 400 минг сўмлик дарслик ўғирлангани мактаб жамоасини ташвишга солди. Бу ҳақда дарҳол милицияга хабар қилинди.

Ўқ-дори чиқди

Ананнинг бежо юриши милиция ходимларида шубҳа уйғотди. Шундан кейин унинг хатти-ҳаракатлари кузатилди. Натияжада В.Ананнинг ишонасидаги «омбори» кўздан кечирилди. Қарангки, Анан қаттис ишга қўл урган экан.

Яқинлашиб келаётган умумхалқ «НАВРЎЗ» байрами муносабати билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун тақлифларни қабул қилади.

«ТЕЗИНТОМ» ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ ҚҚ. ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН КУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ.

Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Мустақиллик кубоги» халқаро турнирининг иккинчи кунинда мутахассисларнинг таҳминлари тўғри чиқа бошлади.

Юнор-рум курашининг 60 килограммга полвонлар баҳсида Дилшод Орипов ҳам финалга йўл олди. У аввалига анча кучли рақиб саналган грузиялик Акаки Чачуванни соф галаба билан мағлубиятга учратган бўлса, ярим финалда Хурнат Тенгибаевдан устун эканлигини намойиш этди.

Янгийўл «АПКО Лаззат» АЖ

акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 29 март куни соат 9.00да қуйдаги манзилда ўтказилади: Янгийўл шаҳри, «Лаззат» кўчаси, 1-«А» уй, жамиятнинг мажлислар зали.

- 1. Кузатув кенгаши ҳисоботи ва унинг фаолиятига баҳо бериш.
2. «АПКО Лаззат» фаолияти ҳақида дирекция ҳисоботи, 2002 йил баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш.
3. «АПКО Лаззат» нинг 2002 йилдаги фаолияти бўйича аудиторлик ташкилоти хулосасини тасдиқлаш.

Янгийўл «АПКО Лаззат» акциядорлик жамиятининг 2002 йил баланси

Table with columns: №, Кўрсаткичларнинг номи, сальдо (минг сўм.) - Актив, Пассив. Rows include various financial indicators like 'Асосий воситалар', 'Узоқ муддатли инвестициялар', etc.

2002 йил бўйича молиявий натижа ундан соф фойда - 61169 минг сўм, - 4834 минг сўм.
2002 йил бўйича аудиторлик текширув «DALIL-audit» аудитор фирмаси томонидан амалга оширилди, лицензия № 00356 серия АФ.

«БЕКОВОД УН» ОАЖ

2003 йил 7 апрель куни соат 15.00да акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли «Ўзбекистон иқтисодиётида ҳусуий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган асосий вазифалар тўғрисида.
2. Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботи.
3. Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларини қайта сайлаш.

Table with columns: Активлар, Пассивлар. Rows include financial indicators like 'Асосий воситалар', 'Капитал қўйималар', etc.

Манзил: Бекобод шаҳри, «Пахтаобод» кўчаси, 16-уй. Акциядорлар 7 апрель соат 13.00дан рўйхатга олинади. Тел.: (8 291) 2-22-89, 2-33-15.

«Узгармашсервис» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Агротехнопарки комплекси котибият мудири Ибодулло Калибековга падари бузуқкорни ЖОНТҲРА отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

«Халқ сўзи» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Таҳрир хайяти: Э. Болиев (масъул котиб) - «Халқ сўзи», П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари) - «Халқ сўзи», Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳаммадиев, Г. Прохорович, Ш. Ризиев, А. Саидов (масъул котиб) - «Народное слово», М. Сафаров, И. Ҳасанов, О. Қамбарбеков (бош муҳаррир ўринбосари) - «Народное слово», А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.